

МАЗҲАБИМИЗДАГИ МЎЎТАБАР ФИҚҲИЙ МАТНЛАР ЎЗИЛИШ ТАРАҚҚИЁТИ

Нодирбек Кабилович ТУРАБОЕВ

Тошкент ислом институти

“Ақоид ва фиқҳий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Ислом илмлари ичида фиқҳ катта аҳамиятга эга. У катта икки тармоққа бўлинади. Биринчиси, усулул фиқҳ ва иккинчиси, фуруъул фиқҳ. Мақолада фуруъул фиқҳ соҳасидаги турли асарлар ҳақида сўз боради. Шунингдек, мухтасар матнларнинг пайдо бўлиши ва унинг ривожланиши бир нечта асарлар мисолида очиб берилган.

Калит сўзлар: Матн, фиқҳ, мухтасар, мазҳаб, зоҳирур-ривоя, наводир, усулул фиқҳ, фуруъул-фиқҳ, намоз, закот, рўза, ҳаж, таҳорат, никоҳ

РАЗВИТИЕ НАПИСАНИЯ ДОСТОВЕРНЫХ ТЕКСТОВ В НАШЕМ МАЗХАБЕ

Аннотация: Фикх имеет большое значение среди исламских наук. Он разделен на две основные подразделения. Первый – это усуль аль-фикх, а второй – фуру’уль фикх. В статье рассматриваются различные работы в области фуру’ул фикх. Возникновение и развитие достоверных текстов разъясняется на примере нескольких работ.

Ключевые слова: текст, фикх, краткое изложение, мазхаб, кажущееся повествование, навадир, усул аль-фикх, фуру’уль-фикх, молитва, закят, пост, хадж, омовение, брак.

THE DEVELOPMENT OF WRITING RELIABLE TEXTS IN OUR MADHAB

Annotation: Fiqh is of great importance in the Islamic sciences. It is divided into two major networks. The first is usul al-fiqh and the second is furu'ul fiqh. The article deals with various works in the field of furu'ul fiqh. The emergence and development of concise texts is also explained in the example of several works.

Keywords: Text, fiqh, mukhtasar, madhhab, zohirur-rivoya, navadir, usul al-fiqh, furu'ul-fiqh, prayer, zakat, fasting, hajj, ablution, marriage.

Ислом фикҳида китоблар, асосан, икки турга бўлинади – усулул фиқҳ ва фуруъул фиқҳ. Фикҳ илмининг асоси ҳисобланган “усулул фиқҳ” шаръий далиллардан ҳукмларни олиш услубларини тадқиқ қилади. Бунда Қуръон, ҳадис,

ижмо ва қиёс каби исломнинг манбалари орқали ибодат ва муомалот масалаларига доир ҳукмлар ишлаб чиқиш қоидалари ўрганилади.

Уламолар истилоҳида эса, “Усулул фикҳ” қуйидагича изоҳланади: Батафсил ҳужжатлардан шариат амалий аҳкомларини истинбот этиш қоидаларини ўргатувчи илм “Усулул фикҳ”дир.[1.Б.120]

Фуруъул фикҳда эса усулул фикҳ услубларига кўра истинбот қилинган турли фикҳий ҳукмлар тартиб билан бобларга ажратилиб жамлаб китоб қилинади. Одатда, фикҳий китоблар дейилганда “фуруъул фикҳ” китоблари тушунилади. Китоблар таълиф қилина бошлаган даврдан буён фикҳий китоблар таркиби иккига ажратилади. Аввалида ибодат масалалари, кейин эса муомалот масалалари келади. Бунга сабаб Аллоҳ таолонинг “Жин ва инсни фақатгина Менга ибодат қилишлари учун яратдим”[2] деган оятидир. Ибодат қисмида аввал таҳорат кейин намоз, закот, рўза ва ҳаж китоблари ўрин олади. Муомалот қисмида эса савдо-сотиқ ва молиявий олди-бердилар, никоҳ-талоқ каби оилавий ва ижтимоий масалалар ва бошқа мавзулар баён қилинади. Биз сўз юритмоқчи бўлган мавзу ҳам айнан фуруъул фикҳ китоблари ҳақидадир. Ҳанафий мазҳабида фикҳий асарлар таълиф этила бошлагандан буён жуда кўп услубдаги китоблар юзага келди. Улар ҳажми, тартиби, баён услуби ҳамда ишончилигига кўра фарқланади. Бунга мазҳабнинг асоси бўлган – “Зоҳирур ривоя” китоблари – олти асар бўлиб Имом Муҳаммад томонидан таълиф қилинган энг ишончли тўплам, кейинги мартабадаги “Наводир” асарлари, ҳамда ундан қуйироқдаги “Воқеот”, “Навозил”, “Фатово” китобларини санаб ўтиш мумкин. Булар мазҳабни барпо қилган манбалардир. Кейинроқ шу манбалар асосида турли китоблар ёзилди. Улар орасида мухтасар матнлар ҳам бўлиб, улар, асосан, энг ишончли ривоятларни ўзида жамлаган бўлади. Уларнинг кенг тарқаб асосий манбага айланишининг сабаби қисқа, иборалари содда, ўзида фикҳнинг ҳамма мавзуларини қамраб олишидир. Бундай услубдаги китобларнинг мустақил жанр сифатида тўла шаклланиши X аср охири XI бошларида яшаб ўтган Абул Ҳусайн ал-Қудурий фаолияти билан боғлиқ деб ҳисоблашга асосимиз етарли. Унинг “Мухтасар” деб аталган китоби ўзидан аввал ёзилган матнлар услубини такомилга етказди. Унда бу услубдаги китобларнинг ҳамма сифати топилади. Ишончилигига кўра эса у ҳозир фойдаланиб келинмоқда.

Қуйида ҳанафий мазҳабининг энг мўътабар ҳисобланган фикҳий матнларини жамлаб таърифлашга ҳаракат қилидик. Бунда уларни тадрижий даврига кўра таснифладик.

1. Абу Жаъфар ат-Таҳовий (853-933) нинг “Мухтасар”[3] асари. Имом Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Салома ибн Салама ал-Аздий ал-Ҳажрий ат-Таҳовий раҳимахуллоҳ 229-321 йилда Мисрнинг юқори қисмидаги Таҳийа деб номланган мавзеъда туғилганлар. Аммо «Китоб ал-ансоб» муаллифи ас-

Самъоний (1113-1167) фикрича Мисрнинг пастки тарафидаги Таҳо кишлоғида туғилганлар. Хижрий 321 йил зулқаъда ойининг 5-кунида (933 йил 27 октябрь)да Мисрда вафот қилганлар. Қарофа кишлоғи (Миср)да дафн қилинади.[4] Олимнинг мазҳабдаги фақиҳлари орасида мартабалари юқори бўлган. Кўплаб асарлар ёзган. “Мухтасар” китоби фикҳ соҳасида шуҳрат қозонган. Бу асари ушбу услубдаги китобларнинг аввалгиларидан ҳисобланади.

2. Ҳоким аш-шаҳид (855-945) нинг “Ал-Кофий” асари. “Ҳоким шаҳид” номи билан танилган Абул Фазл Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Суламий ал-Марвазий Балхий Марв шаҳрида туғилган. “ал-Кофий” (“Кифоя қилувчи китоб”) асари Имом Муҳаммаднинг энг ишончли ривоятга асосланган олти китобини такрорларини тарқ қилиб мухтасар шаклда баён қилган.

3. Абулҳасан ал-Кархий (874-952) “Мухтасар”. Имом Абул Ҳасан Кархий (260/874-340/952) – Убайдуллоҳ ибн Ҳусайн фақиҳ ва адиб, ўз асрининг нодир шахсларидан биридир. Боғдодда ҳанафий мазҳабининг улуғи ҳисобланиб, кўпгина муҳим асарлар қолдирган. Абу Бакр Жассос унга шогирд тушиб, ундан кўп фойдаланган.[5.Б.17] Ибн Камол Пошшо Имом Кархийни ҳанафий олимларнинг учинчи табақасида санаб ўтган. Бу гуруҳдаги олимлар мазҳаббошидан жавоб бўлмаган масалаларда ўз ижтиҳодлари билан фатво бера оладиган даражадаги фақиҳлар саналганлар. Унинг “Мухтасар” китоби энг ишончли матнлардан бўлиб, Имом Қудурий шарҳлаган. Катта эҳтимол билан ўзининг асарини Кархийнинг асари таъсирида ёзган ва янада мукаммаллаштирган.

4. Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Қудурий (973-1037) “Мухтасар”. Ҳанафий мазҳаби фикҳида Имом Абул Ҳусайн Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Қудурий Ал-Ҳанафийнинг “Мухтасар” китоби ҳанафий мазҳабидаги суяниладиган тўрт матннинг энг аҳамиятлиси ҳисобланади. Фуқаҳолар бу мухтасарга қаттиқ қизиққанлар. Бу китобга юздан ортиқ шарҳлар, хошиялар, танбиҳотлар, истидрокотлар, таржиҳлар, тасҳиҳлар, мухтасарлар ва таржималар ёзилди. Ҳанафий фуқаҳолари бу китобни “Ал-китоб”, Мухтасарул муборак” ва “Мухтасарул машҳур” каби эътироф ва эҳтиромни ифода қилувчи номлар билан атаганлар. Ҳанафий мазҳабидаги мусулмонлар бу мухтасарга юксак даражада эътибор қаратганлар. Айниқса, ҳинд ва турк ҳанафийлари ўлкасида ва собиқ совет иттифоқи мусулмон давлатлари ўзгача эътибор қаратганлар. Қудурийнинг “Мухтасар” асарини бошқа матнлар билан илмий қиёс қилиб кўриб унинг лафзи қисқа ва маъноси кенг бўлиб, тушунишга осон, ёд олишга қулай эканлигини англаш мумкин. Шу билан биргаликда, сўзларни ишлатишда далил бўлган ояти карима ва суннати набавийдаги калималардан табаррук қилиб кенг фойдаланган. Бу эса ўқувчининг зехнига далилларни осон келишига ёрдам беради.

Абдулхай Лакнавий мазҳабдаги таянч бўлган мухтасарларни зикр қилиб шундай дейди: “Уларни Жаъфар Таҳовий, ал-Кархий, Ҳоким Шаҳид ва ал-Қудурий каби илм, зуҳд ва фикҳ билан танилган ва ривояти ўта ишончли бўлган имомлар ва улуғ фуқаҳолар ёзганлар...”[6.Б.10] Бу ҳақда яна Абдуллоҳ Назир Аҳмад Музий ўзининг “Мухтасарул Қудурийнинг ҳанафий фикҳидаги ўрни” деган рисоласида юқорида гапни қўллаб-қувватлаб айтади: “Ҳанафий мазҳабининг асосий манбаси Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбонийнинг олти китобдан иборат “”Зоҳирур ривоя асаридир. Сўнг Ҳоким Шаҳид “Зоҳирур ривоя” ни ўзининг “Ал-Кофий” китобига жамлаб унга эргашди. Кейин ат-Таҳовий ўзининг “Мухтасар” и билан эргашди, кейин эса Кархий. Улардан кейин ал-Қудурий келди ва ўзининг “Мухтасар” и билан ҳаммасига рақобатлашди”[7.Б.161]. Уламоларнинг эътирофлари юқорида зикр қилинган матнларни қамраб олади. Бу эса бизнинг уларни тадқиқ қилишимизга асос бўлди. Демак, ҳанафий мазҳабида зикри келган матнлар “Мухтасар” услубидаги асарлар тараққиётини такомилга етгазди. Ушбу илк матнлар кейинги “мухтасар” китоблар талабларини белгилаб берди. Тадқиқотлар натижасига кўра “мухтасар” услубидаги асарлар қуйидаги бир нечта шартларга деярли тўлиқ жавоб бериши кераклиги аниқланди. Улар қуйидагилар:

- Матннинг қисқа бўлишига;
- Мазҳабнинг ишончли манбаларига асосланган бўлиши;
- Мазҳабнинг фуруъул-фикҳ масалаларини тўла қамраб олиши;
- Фақат ҳукмларнинг ўзи билан чекланиши;
- Кўп маълумотларни ўзида акс эттирган қисқа иборалар билан ифодаланиши;
- Ибораларининг содда тилда баён этилиши;
- Бобларнинг тартибли бўлиши;
- Боблар ичида маълумотларнинг изчиллик билан қулай тартибда баён қилиниши;
- Асарга далил бўлган оят ва ҳадисларнинг сўзларидан кенг фойдаланиш.

Биз баён қилган асарлар ушбу шартларга жавоб беради. Айниқса, Қудурийнинг “Мухтасар” китоби ушбу талабларни ишлаб чиқишимиз учун асос қилиб олинди. Бунга ундаган омил унинг ҳанафий уламолар томонидан эътироф этилишидир. Ҳозирга қадар бу китоб асарлар ёзишда ва тадқиқотларда энг мурожаат қилинган матн бўлиб қолмоқда. Унинг юздан зиёд шарҳ ва хошиялари борлиги, ўзидан кейинги мўътабар матнлар учун манба бўлгани, уни бир неча бор назмга солингани ва бошқа сабабларга кўра энг эътиборли асар ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Фикҳий йўналишлар ва китоблар, Шарқ, Тошкент, 2011 й, 120 Б.
2. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Қуроъони карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси, Зориёт сураси, 56-оят
3. Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Салома ат-Таҳовий, Мухтасар
4. <http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/20289-imom-abu-zha-far-ta-ovij-buyuk-mu-addis-alloma-a-ida-nimalarni-bilamiz>
5. Ахмедов Бурхон Абдурахмонович, Абу Бакр Жассос “Аҳком ал-Қуръон” тафсирининг ҳанафий мазҳаби ривожига аҳамияти, диссертация, Тошкент, 2019 й, 17 Б.
6. Лакнавий, Умдатур риёя, -Б 10
7. Абдуллоҳ Назир Аҳмад Музий. Мухтасарул Қудурийнинг ҳанафий фикҳидаги ўрни.**Dr Muhammad Hamidullah Library, IIU, Islamabad.**
<http://iri.iiu.edu.pk/> -Б. 161